

---

□ Фурқат туманида юртимиз мустақиллиги ва туманимиз ташкил этилганига 30 йил тўлгани муносабати билан 30 нафар болажонларга суннат тўйи ўтказиб берилди.

2021 йилнинг 24 август кунини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллик байрами арафасида Фурқат тумани ҳокимлиги, туман прокуратураси, Ички ишлар бўлими ташаббуси билан туман мактабгача таълим бўлими билан ҳамкорликда [“Мустақиллигимизнинг 30 йиллигига - 30 нафар болажонга суннат тўйи”](#) шиори остида тумандаги “Наво” тўйхонасида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 30 нафар оила фарзандларига аталган тантанали тўй маросими ташкилланди.

Тўй тантаналарини туман ҳоқими Жаҳонгир Жуманов очиб берди ҳамда болажонларга аталган эзгу тилаklarини билдирди. Шодиёнада иштирок этган ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари ташкилотчиларга ўзларининг чексиз миннатдорчиликларини изҳор этишди. Тўй тантаналари ўйин-кулгу, кўтаринки руҳда давом этди.

© Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ









2021-08-26 09:56:29